



Ибодатлар орасида энг афзали Куръони Карим тиловатидир. Пайгамбаримиз (соллаллоху алайхи васаллам) ўз умматларини бунга кизиктирганлар. Куръони Карим сохибини шафоат килади. Шайтон васвасаларидан кўргон бўлади. Унинг тиловати гунохларни ўчирадиган, савобларни кўпайтирадиган энг гўзал амалдир. Аммо кейинги вақтларда намозлардан кейин ўкиладиган Куръон тиловатини бидъат дейдиган, уни эшитишдан юз ўгирадиган кишилар пайдо бўлмоқда. Тиловат ўкилиб турган ҳолатда одобсизлик билан чикиб кетаётганлар бўлиб, улар Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) даврларида килинмаган экан, деган асоси йўқ гапларни айтиб, ўзларини оклашга уринадилар. Ханафий мазхаби уламолари намоздан кейин тиловат килиш қандай амал ва унга келтирилган хужжатлар, тиловатнинг одоблари қандай бўлиши керак? – деган саволларга жавоб бериб ўтганлар.

Энг аввало фикх ва ҳадис китобларида «Намоздан кейинги зикрлар» боби мавжуд бўлиб, уларда намоздан кейин зикр килиш, Куръони Карим суралари ёки оятларининг тиловати буюрилгани маълум килинади. Бу далиллар асосида намоздан кейин ўтириб зикрга ёки Куръон тиловатига машгул бўлиш бидъат амал бўла олмаслигини тушунамиз. Бундан эса бидъат деган фикрга бориш гунох экани маълум бўлади. Ҳадисларда Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) Оиша (розияллоху анҳо)ни ҳар куни Куръони Карим ҳаққини адо этишга буюрганлар. Буни 200-250 оят ўқиш ёки 100 оят ва Ихлос сурасини уч бора ўқиш билан адо этиш, деб тушунтирганлар. Куръони Каримдаги кўпгина суралар ва баъзи оятларнинг фазилатлари зикр килинган. Ушбу тиловатнинг Киёмат куни шафоат килиши, савоблар кўпайтириб ёзилиши, хожатларнинг раво бўлиши, беморларга шифо бўлиши, дуоларнинг ижобат бўлиши, тетиклик ва ақлга мусаффолик бериши ва бошқа кўпгина фазилатлари баён килинган. Шундай суралардан Ёсин, Фатх, Ар-Рохман, Воқеа, Духон, Мулк, Набаъ, Каҳф ва бошқаларни санаш мумкин. Оятлардан «Ал-Курсий», Бақара сурасининг охириги икки ояти, Тавба сурасининг охириги икки ояти, Ҳашр сурасининг охириги уч ояти ва бошқалар бор.

Мўмин киши хар куни Куръони Карим хаккини адо этиш учун алохида вақт ажратиши керак. Аммо кўпинча имкон топилмайди. Ёки шунчаки бу вазифа борлиги ёддан кўтариллади. Хар кандай хасталикни даволовчи мохир табиб каби уламоларимиз беш вақт намозда куйидаги сураларнинг тиловатини тавсия киладилар: Бомдоддан кейин Ёсин сураси – 83 оят, Пешиндан кейин Ар-Роҳман сураси – 78 оят ёки Фатх сураси – 29 оят, Асрда Набаъ (Амма) сураси – 40 оят, Шомдан сўнг Воқеа сураси – 96 оят, Хуфтондан сўнг Мулк сураси – 30 оят. Жами 350 оят атрофида хар куни ўқилади. Демак, мўминлар намоздан сўнг ушбу сураларнинг тиловати сабабли Куръони Каримнинг хар кунлик хаккини адо этиш билан бирга мазкур сураларнинг фазилатларидан ҳам баҳраманд бўладилар.

Имом Исмоил Хаккий (рахматуллохи алайх) машхур «Рух ул-баён» асарларида Тоҳо сурасининг 124-оятини шундай тафсир киладилар:

«Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (кабр азоби) ўлиши муқаррар ва Биз уни Киёмат кунида кўр холда тирилтиурмиз».

б

«Куръони Каримда келадиган «зикр» лафзи Куръон, намоз, тасбех-тахлиллар ва бошка шу каби маъноларда келади. Яъни Мени доимо ёдига солиб турувчи шу Китобдан ва Менга чакирувчи бўлган мана шу элчимдан юз ўгиришидир. Зеро, унга бу дунёда ниҳоятда тор ва кийинчилик машаккатлари кўп бўлган ҳаёт бордир. Оятда икки масдар, яъни ўзак сўзлар бир-бирига сифат бўлиб келтирилган. Бу эса муболагани, яъни ҳаёт торлигининг кўша-кўша машаккатлари борлигини ифодалайди. Бунинг сабаби, банда дунё орзу-хаваслари билан алданиб қолади. Ваҳоланки, дунёга интилиш инсонни аста халокатга етаклайди. Ўзини назорат қила олмагани боис орзу-хаваслари, бойлик ва бошка зийнатлар билан овора бўлиб қолиши кучаяди. Унинг қамайиб қолишидан ёки йўқотишдан хавфда бўлади, кўнгул хотиржамлиги олинади. Зикрдан юз ўгирмаган кишида эса бунинг акси бўлади. У охира талабида экан, иймонининг баракаси билан бу дунёда унга кенглик ва хотиржамлик берилади. Билгинки, ҳаётнинг торлиги, машаккатларга бойлиги – бу маъсияту гуноҳларнинг жазоси ва укубатидан бўлиши мумкин».

«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, яъни Мени ёд этишни лозим тутмай, Менинг хидоятимга юрмаса, тўғри йўлдан юришни хохламаса, бас, унга жуда машаккатли ҳаётни берурмиз».

Бу машаккатлар унинг калбини азоблаш билан бўлади, хар бир ишига, йўлларига парда ташлаб кўйиш, эшикларни унга ёпиб кўйиш билан амалга оширилади. Зеро, Аллохнинг зикри калб калитидир, ундан юз ўгириш эса калб эшигини ёпишдир.

Зокиржон Шарифов